



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 8-dekabr, juma № 98 (9059)

## КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси  
қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган  
тантанали маросимдаги маърузаси**

Ассалому алайкум, азиз ва-  
тандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!  
Барчангизни, сизлар ор-  
қали бутун халқимизни бугун-  
ги улуг айём — мамлақати-  
миз Конституцияси қабул  
қилинганининг 25 йиллик  
байрами билан самимий му-  
боракбод этишга ижозат  
бергайсиз.

Йигирма беш йил — тарих  
учун бир лаҳза, холос. Шу  
қисқа даврда жонахон Ўзбе-  
кистонимиз мустақил ва су-  
верен давлат сифатида шакл-  
ланиб, жаҳон ҳамжамиятидан  
муносиб ўрин эгаллади, том  
маънода улкан тараққиёт  
йўлини босиб ўтди.

Ана шу машаққатли ва ша-  
рафли йўлда эришган барча

ютуқларимизни, энг аввало,  
Конституциямиз билан боғла-  
шимиз, албатта, бежиз эмас.  
Нега деганда, Асосий қонуни-  
миз халқимиз узоқ йиллар  
орзу қилган миллий мустақил-  
лигимиз ва ривожланиш йўли-  
миз, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-  
лари қафолатларини белгилаб  
берди.

Тўла ишонч билан айтиш  
мумкинки, Ўзбекистон Рес-  
публикасининг Конституцияси  
халқимиз сиёсий-ҳуқуқий та-  
факкурининг юксак намунаси-  
дир. У ҳеч кимга қарам  
бўлмасдан, эркин ва озод,  
тинч ва осойишта, фаровон  
яшашнинг қонуний қафолати  
бўлиб келмоқда. Бозор муно-  
сабатларига асосланган  
ҳуқуқий демократик давлат,

қучли фуқаролик жамияти  
барпо этиш борасида мустаҳ-  
кам пойдевор бўлиб хизмат  
қилмоқда.

Конституциямиз асосида  
мамлақатимизда миллий  
қонунчилик тизими, давлат  
органлари, фуқаролик жамия-  
ти институтлари шаклланди.  
Бугунги кунда барча жабҳа-  
ларда кенг қўламли ислохот-  
лар амалга оширилмоқда. Иж-  
тимоий-иқтисодий, сиёсий ва  
ҳарбий салоҳиятимиз юкса-  
либ, фуқароларимизнинг  
дунёқараши тобора ўсиб бор-  
моқда. Буларнинг барчаси,  
энг аввало, Бош қомусимиз-  
нинг ҳаётбахш куч-қудрати  
натijasидир.

(Давоми 2-бетда.)



## Буюк ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси  
қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати  
билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги “Ўзбе-  
кистон” халқаро анжуманлар саройида танта-  
нали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамо-  
ат арбоблари, фан, маданият, санъат ва спорт  
намоёндалари, кенг жамоатчилик, хорижий дав-  
латларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилот-  
лар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди-  
лар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси  
янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Бундан роппа-роса йигирма беш йил муқад-  
дам умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томон-  
лама ва чуқур ўйланган, демократик йўл билан  
қабул қилинган Конституциясини янги жамият-  
нинг ҳуқуқий қафолатларини шакллантирди ва  
мустаҳкамлади.

(Давоми 6-бетда.)

## Давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фар-  
монларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида мам-  
лақатимизни ҳар томонлама ривожлантириш,  
юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳ-  
камлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-  
иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фи-  
дойиллик кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимиз  
давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден  
ва медаллар билан тақдирланган эди.*

Тошкентда 7 декабрь куни Ўзбекистон Рес-  
публикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иш-  
тирокида ана шу юксак мукофотларни тантана-  
ли топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари йирилганларни юксак ун-  
вонлар, орден ва медалларга сазовор бўлгани  
муносабати билан самимий қўлади. Улар ор-  
қали барча ватандошларимизни Конституция-  
миз қабул қилинганининг 25 йиллиги билан му-  
боракбод этди.

Шавкат Мирзиёев бугун юртимизда амалга  
оширилаётган барча ислохотлар Конституция-  
миз ва Ҳаракатлар стратегиясига асосланиши-  
ни алоҳида таъкидлади. Яқунига етиб бораёт-  
ган йилда амалга оширилган ишларга тўхталар  
экан, халқ билан мулоқотда бўлиб, одамлар-  
нинг оғирини енгил қилишга асосий эътибор  
қаратилганини қайд этди.

Дарҳақиқат, Халқ билан мулоқот ва инсон  
манфаатлари йилида оддий одамлар билан му-  
лоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими  
йўлга қўйилди. Президентнинг Виртуал қабул-  
хонаси ва Халқ қабулхоналарига 1,5 миллион-  
дан зиёд мурожаат келиб тушди ва уларнинг 1  
миллиондан ортиги ижобий ҳал этилди.

(Давоми 6-бетда.)

## Иқтидорли ёшларга юксак мукофотлар топширилди

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида  
мамлақатимиз тараққиётига муносиб ҳисса  
қўшиб келаётган бир гуруҳ ёшларга юксак дав-  
лат мукофотлари, “Ўзбекистон белгиси”  
кўкрак нишонини таъкидлашга бағишланган  
тантанали тадбир бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар ит-  
тифоқи марказий кенгаши раиси Қахрамон  
Қуронбоев ва бошқалар Президентимиз  
Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлақати-  
миз ёшлари ҳар томонлама қўллаб-қувватла-  
наётгани, улар ўз иқтидори ва салоҳиятини на-  
моён қилишлари, юксак илми, фидойиллиги бил-  
лан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса  
қўшишлари учун барча шароит мавжудлигини  
алоҳида таъкидлади.

(Давоми 7-бетда.)

# КОНСТИТУЦИЯ — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кадрли юртошлар!

Бугун Конституциянинг 25 йиллик байрамни нишонлар эканмиз, Асосий қонунишни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чўқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Қаримов раҳбарлигида 1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганимни доимо фахр билан эслайман. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ қизгин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар ҳали ҳам хотирамда.

Асосий қонуниimiz икки марта — 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. Лойиҳалар муҳокамасида кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажига дахлдор қўллаб-қўллаш муҳоказалар ва тақлифлар билдирди.

Умумхалқ муҳокамаси ақунларига кўра, Бош қомусимиз лойиҳасига 100 га яқин тузатишлар киритилди ва 1992 йил 8 декабрь кўни Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги тўлиқ ислохот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далolat беради.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурулансак арзийди, албатта.

Айни пайтда биз Асосий қонуниimiz талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

**Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.**

Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, салохият ва имкониятларимизни ҳолис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрафлича танқидий таҳлил қилдик. Чунки ўзимиз шу ишни қилмасак, ҳеч ким бу хатоларни четдан келиб бизга айтмайди. Биз ўз келажакимизни ўзимиз қурамиз. Бу йўлда хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳар томонлама чўқур ўйлаб, **2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.** Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги **тизимли ислохотларнинг "йўл харитаси"**га айланди.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Биз бу борада кўпгина қонунлар халқимизга маъқул эмаслигини, улар элюртимиз манфаати учун ишлагани кераклигини ҳисобга олган ҳолда шундай йўл тутдик. Бу ишларни келгусида албатта давом эттирамиз.

**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 2017 йилда "Инсон манфаатлари**

**ҳамма нарсадан улуг"** деган ғоя асосида катта ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўйбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди.

Албатта, бу ҳақда узоқ ва батафсил гапириш мумкин. Лекин бугунги тантанали маросим янги мазмун ва йўналишда ўтаётганини ҳисобга олиб, мен фақат энг муҳим ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Жорий йил ақунлари ва янги йилга ном бериш тўғрисида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда Олий Мажлис палаталарига тақдим этиладиган Мурожаатномасида атрафлича фикр юритилади, албатта.

Биз кириб келаётган янги йилга халқимизнинг хоҳиш-истаклари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ном берамиз. Уйлайманки, у сизларга албатта маъқул бўлади.

Маълумки, бу йил давлат ҳокимияти тизимида мулақо янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жидларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакилик органлари — парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустақамланди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтга қадар пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Биз бу борада адаллатни тиклаб, Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритдик. Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам энди ўз вакиллари — депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу йил 24 декабрда илк бор пойтахтимиз туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ана шу сайловларда эл-юрт учун чинакам жон қўйдирадиган, одамийлик фазилатлари ва гражданик позицияси билан аҳоли ўртасида ҳурмат-этибор қозонган инсонлар халқ ноиблари этиб сайландилар, деб ишонамиз.

Ўтган даврда икки этуви ҳокимиятнинг демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустақамланган «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган улғувор ғоянинг амалий ифодаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу билан бирга, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахсининг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар қўрилди. Албатта, бу қондани ҳаётга тўлиқ таътиб этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинакам мустақилиги, уларнинг адаллатли фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу мақсадда биз суд тизимини тубдан ислох қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, ягона суд амалиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошқора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Биз бу борада жаҳон тажрибасини чўқур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиликни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақилигининг кафолатлари кучайтирилди.

Содда қилиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансин, лекин у доим халқларвар бўлиб, адаллатли иш олиб борсин. Судья адаллатли ҳукм чиқариши учун аввало халқни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак.

Ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Хабарингиз бор, илгари ҳар бир туманда бундай судлар бўлмагани туфайли одамлар ўз муаммоларини вақтида ҳал қилолмайдан сарсон бўлар эди.

Судларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Биз нима учун бундай тартибни жорий этдик?

Кўпгина жойларда одамлар судларнинг раисини ақсарият ҳолатда танимаслиги, суд идоралари эса халқ ҳаётининг дарду ташвишларидан узоқлиги маълум бўлди.

Эндиликда фуқароларнинг ижобий фикри мавжуд бўлган тақдирдагина судьяликка номзодлар лавозимга тайинланмоқда.

Суднинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиклик ва ошқораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратилди.

Шу мақсадда суд ишларини сайёр тартибда қўриш йўлга қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида судлар томонидан 373 минг 256 та иш қўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида қўрилди.

Ишларни назорат тартибда қўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасида юқори суд инстанцияси томонидан ақуний қарор чиқариш кафолатлари мустақамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятини ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овораю сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Қўнчилик яхши билади, илгари қарий 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адаллатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Хусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айбдорлар қўрилишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инобатга олинди. 549 та ҳолатда қўрилиш ижтимоий ҳавфлилик хусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қўрилишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асослар таъниб, 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилди.

Ҳар бир ҳукмининг қонуний ва адаллатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари кафилиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафилиги асосида — 152 нафар, ёшлар иттифоқи кафилиги асосида — 18 нафар, хотин-қизлар кўмиталари кафилиги асосида — 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафилиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтоҳур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафилиги эътиборга олинди.

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўланди.

Ҳурматли маросим қатнашчилари, келинг, ўзимизга бир савол берайлик: аслида, одамни суд қилишдан мақсад нима? Уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми?

Лекин инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилиларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўлишимиз керак.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, суднинг мустақилигини таъминлаш, уни инсон манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Аҳоли билан ўтказилаётган очик мулоқот натижалари бир ҳақиқатни яққол кўрсатмоқда: суд-тергов амалиётида далилларни тўллаш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга тўқинлик қиладиган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Шунинг учун ҳам ўтган ҳафтада **"Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан бўён Ўзбекистонда қийноққа солиш, рўхий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зуравонлик ҳолатларига мулк йўл қўйилмайдиган. Бундай жиноий қўрилишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилари.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 8-dekabr, № 98 (9059)

# КОНСТИТУЦИЯ — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, оҳуладан, аудио ва видео материаллардан, шёвҳий далиллардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Қийноққа солиш, ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузиш, инсонни алдаш ва тергов жараёнида бошқа ноқонуний усулларни қўллаш ман этилади.

**Далилларни сохталаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик жорий қилинади.**

Эндиликда адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳолалиши керак.

Қийноққа солиш каби ноқонуний усулларни қўллашни қатъиян чеклаш мақсадида тергов ва вақтинча сақлаш хибсоналари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Энг муҳими, ноқонуний усуллар қўллаш тўғрисидаги биронга ҳам хабар эътиборсиз қолмаслиги шарт. Прокуратура органлари ҳар бир ҳолат бўйича чуқур текширув ўтказиб, айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлайди.

Нега мен бу ҳақида қуйиб-пишиб гапиряпман? Президент фармон қабул қилди, шу билан ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўйланганлар. Лекин бу фармон ҳали фақат қоғозда, уни амалга ошириш учун ҳаммамиз биргаллик ҳаракат қилмасак, қутилган натижага эришиш қўйин бўлади.

Биз суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституция-мизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир.

Бу жараёнда энг асосий эътибор фуқароларимизга ўз ҳуқуқларини рўйбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилди. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу асосда аҳоли учун мақбул бўлган усуллар — "ишонч телефонлари" ва тезкор алоқа телефонлари орқали ҳамда видеоконференцалоқа воситасида муурожаат қилиш тартиби жорий этилди.

Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига муурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда муурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдида эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдида бормоқда. Бу — катта ўзгариш.

Айни вақтда кўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хом хаёл билан юрибди. Аммо улар шунини қулоғига қуйиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз.

Жорий йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди.

Бу тадбирларда фуқаролар томонидан кредит ажратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларига доир, бандлик ва иш ҳақи тўловлари, тадбиркорлик, электр ва табиий газ таъминоти, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларга оид 22 минг 186

та муурожаат билдирилди. Муурожаатларнинг 6 минг 484 таси жойида ҳал этилди, 15 минг 702 таси тегишли органларга кўриб чиқиш учун топширилди. 94 та ҳолат юзасидан хизмат текширувлари тайинланди, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди.

Илгари Бош прокуратура, суд ва бошқа органлар раҳбарларининг вилоятларга боришга вақти йўқ эди. Улар Тошкентда ўтириб иш кўрар эди. Шунинг учун ҳаётдан, одамларни қийнаётган муаммолардан узоқлашиб кетган эди.

Шу борада яна бир муҳим ҳужжат — "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида" янги Қонун қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти янада оширилди.

Бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланди.

Нима учун бундай қоида жорий этилди? Одамлар сўраб бурса, тумандаги энг кичик амалдор ҳам бирорта ҳужжатни уларга бермайди. Бунга катталар ружат бермайди, деб баҳона қилади. Энди бундай «ўйин»лар кетмайди. Нега деганда, эндиликда Президентдан бошлаб энг қўйи бўғиндаги раҳбарларга халқимиз хизматида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларимиз тизимини такомиллаштириб бориш ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Конституция-мизда муҳрлаб қўйилган "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" ҳамда "Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида" деган нормаларни амалда рўйбга чиқариш мақсадида янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Республикари бўйича вакили фаолияти такомиллаштирилди. Унинг жазони ижро этиш муассасаларида назоратни амалга оширишга оид ваколатлари кенгайтирилди.

Адабий жиноят йўлига кирган ёки содир этган қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни жамятга, оилаи бағрига қайтариш муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Нега деганда, улар ҳам Ўзбекистон фуқаролари, шу юрт фарзандларидир.

Бугунги тарихий сана арафасида мен Президент сифатида ўзимнинг конституциявий ваколатимдан фойдаланиб, судлар томонидан ҳукм қилинган 2 минг 700 нафар шахсни афв этиш тўғрисидаги Фармонни имзоладим.

Бундай Фармон Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинди.

Мен шу ўринда бир нарсани алоҳида тушунтириб ўтмоқчиман. Юридик соҳадан йирок бўлган одамлар амнистия ва афв деган тушунчаларнинг фарқи баърига сир эмас.

Ҳаммамизга яхши маълум, шу вақтгача мамлакатимизда ҳар йили амнистия актлари қабул қилинар эди. Амнистиянинг асосий мазмуни шундан иборатки, у аввал жиноятлар тоифасини белгилаб беради, кейин эса ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аниқланади.

Албатта, амнистия жиноят содир этган одамларни кечириб бўйича муҳим механизмлардан бири. Бироқ, таҳлил-

лар шунини кўрсатмоқдаки, олдиндан чуқур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод қилишни белгилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доирасига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган деб айтсак, тўғри бўлади. Прокуратура, ички ишлар ва суд идораларида ҳам бундай номаъқул ишларга йўл қўйилган.

Бу эса амнистияга тушган қимсаларда жазони ҳис этмаслик, бизга ҳамма нарса мумкин, деган нотўғри қайфиятнинг шаклланишига олиб келган.

Энг ёмони, амнистияни қўллашда жабрланган тараф ва жамоатчилик фикри инobatта олинмаган, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, афсуски, амнистия бўйича озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ана шу ҳолатларни инobatта олиб, махсус комиссия томонидан жазо ўтатган ҳар бир шахс билан алоҳида суҳбат ўтказилди, у яшаган маҳалла аҳли, жабрланган одамларнинг фикри ўрнанилди.

Бу жараёнда содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, суд тайинлаган жазонинг қанчалик адолатли экани ҳам эътиборга олинди. Чуқур таҳлил ва ўрганишлар натижасида чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни билиб-билмай содир этган, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларнинг аниқ доираси белгиланди ва айнан шундай шахслар афв этилди.

Ўйлаёманки, Президент томонидан кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишонччи оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшади, жамятда ўз ўрнини топади.

Мен бундан ҳам кўпроқ одамни афв этишга ҳам тайёр эдим, лекин жамятимиз ҳали бунга тайёр эмас. Бунинг учун жамятимизда афв этилаётган маҳкумларни қафилликка олиш муҳити ва масъулияти тўла қарор топиши керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратишни хоиз, деб биламан.

Маълумки, давлат органларига кадрларни танлашда эскидан сақлана бик қолган, кўштирноқ ичидаги бир "тизим" мавжуд эди. У ҳам бўлса, яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб ёшларимиз, малакали мутахассисларимиз "беаёиб айбдор бўлиб", яқин қариндошларининг қилмишлари учун жабр тортиб келдилар.

Узингиз айтинг, бу адолатданми? Менинг фикримча, адолатдан эмас. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун бир авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши керак?

Демократик нормаларга ҳам, ҳаётнинг бугунги талабларига ҳам мутлақо тўғри келмайдиган бундай адолатсиз "тизим"дан биз энди бутунлай воз кечамиз.

Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 37-йилида қилинган адолатсизликлар ўзи етарли албатта. Бундай ярамас ишлар бизнинг ҳаётимизда энди мутлақо бўлмаслиги керак.

Хўрматли юртдошлар!

Конституция-мизнинг 37-моддасида белгиланган мажбурий меҳнатни таққиллаш тўғрисидаги қоидага қатъ-

ий амал қилиш учун йил давомида бир қатор ишлар бажарилди. Хусусан, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилди. Депутат ва сенаторлардан иборат ишчи гуруҳлар республикамизнинг барча ҳудудларига чиқиб, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича парламент назоратини амалга оширмоқда.

Мана, бу йил ҳаммамиз кўрдингиз, эшитдингиз, биз бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларни мажбурий равишда пахта теримиغا чиқаришни қатъиян тақиқлади.

Пахта мавсумида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилди.

Бу муҳим масалани аввало ўзимиз қаттиқ назоратга олганимиз туфайли биронга салбий ҳолат аниқланмади. Амалга оширилган ишлар самараси халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Бу ҳолат тарихимизда биринчи марта Ўзбекистонга ташриф бурган Бирлашган Миллатлар Умумжаҳон Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн ҳамда Дин ва этиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шохид томонидан ҳам эътироф этилди.

Таъқидлаш керакки, Конституция-мизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари ўз аксини топган. 2018 йили ушбу декларациянинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. Биз ҳам инсон ҳуқуқларига оид биринчи унисерсал халқаро ҳужжат бўлган мазкур декларациянинг мазмун-моҳиятини атрофлича тарғиб этиш учун махсус Давлат дастурини қабул қилмадик.

Ана шундай амалий тадбирларимизнинг якуни сифатида 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие халқаро анжуманини ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқдамиз.

Ҳаммамизга аёнки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари гоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктага назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Халқ манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида янги дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида 114 мингдан ортиқ видеокузатув воситаси ўрнатилди. Уларнинг ёрдамида 10 мингга яқин жиноят фш этилди.

Йил давомида жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 14 фоизга камайди ва бунда ана шу ишларнинг аҳамияти катта бўлди.

Янги йилдан бошлаб жиноят содир этилаётган маҳалла профилактика инспекторининг ойлук иш ҳақиға 50 фоиз устамга қўшиб берилади. Аксинча, ўз ҳудудида жиноятнинг кўпайишига йўл қўйган профилактика инспекторининг ойлигидан эса 50 фоиз ушлаб қолинади.

(Давоми 4-бетда.)

# КОНСТИТУЦИЯ — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми.)

Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

Узоқ тумандан келиб профилактика инспектори бўлиб ишлаш мумкин эмас. Шунинг учун уларни уй-жой, хизмат машиналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бераямиз.

Бу соҳадаги мақсадимизни қисқача ифода этадиган бўлсак, **«Биз келажақда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқларвар ички ишлар тизимини яратишимиз керак»**.

Албатта, «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш натижасида бу борадаги ишларимиз самараси янада ортиб боради.

Айни вақтда бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Жамиятимизда **«Қонун ва адолат — устувор, жиноятга жазо — муқаррар»** деган принциплари қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлар қаторида **коррупцияга қарши курашнинг яхлит тизими** яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштириш имконини берди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмунини бутунлай ўзгармоқда. Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан кўриштириб, хуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

Маълумки, Асосий қонунимизда **«Давлат халқ иродасини ҳизмат этиб, унинг манфаатларига қарши қилиши»** тўғрисидаги норма белгилаб қўйилган. Унинг ижросини амалда таъминлаш мақсадида **Маъмурий ислохотлар концепцияси** қабул қилинди.

Концепцияга асосан давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди ва мақсус «Йўл харитаси» бўйича 100 дан ортиқ жой ҳокимияти органлари фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда.

Маъмурий ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад — икчам ва профессионал ижро органлари тизимини, зомонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Шу борада бир фикрни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимизни истардим. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваломбор юксак маънавиятни, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдирини ва истиқболни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевоқифа боғлиқ.

Шу мақсадда яна бир муҳим ҳужжат — **«Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги Фармон қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунча барча

зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум.

Мана, биз Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси марказини барпо этмоқдамиз. Бу ишларни кимгадир кўз-кўз қилиш учун амалга ошираётганимиз йўқ. Мақсадимиз — ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига синдириш. Шу йўлда бизнинг буюк аجدларимиз қандай улғу ишларни амалга оширганлари ҳақида улар ана шундай масканларга келиб ўзлари учун керакли бўлган энг муҳим бўлган билим ва тасавурларга эга бўлади. Энг асосийси, уларнинг қалбида бой тарихимиз, маданий меросимиз билан фахрланиш туйғуси камол топади.

Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни суйсатириб юборганимиз оқибатида кўпгина муаммолар йиғилиб қолганини очиб айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқарши қандай юқори бўлишини бугун кимгадир исботлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳождати йўқ.

Бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, **Мактабгача таълим вазирлиги** ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислохотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар юқланди.

Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча хуудларда — бу катта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчаларни қуришимиз зарур. Уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методика билан таъминлашимиз керак.

Ўзингиз тасаввур қилинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, она-сингилларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш имконияти қандай янги, қандай кенг шароитлар туғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб воёга етади.

Ҳурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзгор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади.

Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислохотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Қанчалик қийин бўлмасин, бу тарихий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда албатта бажарамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, Конституцияимизнинг 53-моддасида **«Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати»**, деб белгилаб қўйилган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида жорий йилда миллий валютасига — сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилди.

Божхона тўловлари ставкалари 2 баробар пасаитирилди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор қилинди.

Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодиётни барпо

этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда дунё миқёсида шифқатсиз рақобат тобора кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шaroитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш бўйича биз узлуksиз иш олиб боришимиз керак.

Нега деганда, бу масала ҳозирги вақтда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруғ келажагини бунёд этишининг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Яқинда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармон айни шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан гоят муҳим аҳамиятга эга.

Азиз юртдошлар!

**Фуқароларимизнинг Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш** борасида йил давомида қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта, шаҳарларда 187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

Аҳолини марказлаштирилган тармоқлар орқали сув билан таъминлаш мақсадида 218 та лойиҳа амалга оширилиб, 350 минг кишининг сув таъминоти яхшиланди.

Қишлоқ врачлик пунктлари негизинида 800 га яқин оилавий поликлиникалар, 400 дан зиёд тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматлари 1 минг 260 та махсус транспорт воситаси билан таъминланди. 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси таъмирдан чиқарилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги ишларга келгуси йилда ҳам алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечирिशлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан устувор аҳамият қаратилди.

Шу борада жорий йилнинг ўзида ногиронларга 2 триллион 600 миллиард сўм пенсия ва нафақалар тўланди.

Кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арзон уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошланғич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилди ва улар учун доимий даромад манбаи яратилди. Шу тоифага мансуб фуқароларга 7 мингдан ортиқ протез-ортопедия воситалари, 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик аравачалари, 1 минг 600 га яқин эшитиш аппаратлари бепул берилди. Ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқароларнинг даволаш-профилактика муассасаларида бепул даволаниши учун 23 минг 500 га яқин йўлланма ажратилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Лекин аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича ҳали олдимизда кўп вазифалар турибди.

Шунинг учун бу борадаги ишларимизни тақомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилиб, соҳада чуқур ўрганишлар ўтказилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида **«Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармон қабул қилинди ва бу борада кўшимча имтиёз ва имкониятлар берилди.

Бу йўналишда яна бир муҳим ҳужжат — **«Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинади.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилаётган Ногиронлиги бўлган шахсларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси самарали фаолият кўрсатиши керак. Шунингдек, ёлғиз қариялар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган махсус тузилма ўз ишини кучайтириши талаб этилади.

Бундай савобли ишларни рўёбга чиқаришда жамоатчилигимиз, бутун халқимиз албатта фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Ҳурматли маросим иштирокчилари! Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича олдимизда улкан ва муҳим вазифалар турганини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада ҳар қандай ислохот конституциявий тамойил ва қондаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур.

Бизнинг мақсадимиз — халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу — биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади — одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кўрмоқда.

Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни **«Буюк келажагимиз бугундан бошланади»** деган широр асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур.

Бу ҳақда сўз юритганда, **этиборингизни қўйишдаги устувор масалаларга қаратмоқчиман:**

**Биринчидан, давлат органларининг ҳундалик фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт.**

**«Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак»** деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак. Албатта, раҳбарларнинг ишга муносибати ўзгартаришга ҳаракат қилишимиз, лекин онгу тафаккури қотиб қолган раҳбарларни ўзгартариш қийин бўлмоқда.

Мунтазам равишда жойларга чиқиб, одамларнинг эҳтиёжлари, муаммолари билан яшаб ва уларнинг ечимини топиш вазифаси мансабдорлар томонидан ҳўжакурсинга эмас, балки амалда таъминланиши зарур.

Маълумки, биз халқ ичига кириб бериш, аҳоли билан мулоқот ўрнатилиши йўлида биринчи қадам сифатида ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналарини ташкил этдик. Улар одамларнинг кўплаб муаммоларини ечишда амалий ёрдам берадиган яхлит тизимга айланди. Бир йилда 1,5 миллионга яқин муурожаат қўриб чиқилди.

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 8-dekabr, № 98 (9059)

# КОНСТИТУЦИЯ — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми.)

Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда.)

Бугунги кунда аҳолимизнинг Халқ қабулхоналарига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ушбу тузилмаларнинг давлат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишдаги роли борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Барчамиз яхши тушунамиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ўсиши, кўпгина муаммолар ҳал қилиниши билан Халқ қабулхоналарига мурожаатлар камайиб боради. Шунинг учун бу қабулхоналар имкониятларини биз давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига йўналтирамиз.

Шу мақсадда барча давлат идоралари ва Адлия вазирлиги қошидаги "Ягона дарча" марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарали ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шу муносабат билан Президент девоиният Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматида ушбу масалалар билан бевосита шуғулланиш вазифасини юклав кўзда тутилмоқда.

Мақсуд таркибда янги тузилма ташкил этиб, унга **Тезкор давлат хизматлари агентлиги** деб ном бераск, айти мудоао бўларди.

Маълумки, ҳаммамиз деярли ҳар кун турли идораларга мурожаат қиламиз. Дейлик, нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келади.

Ана шундай, бир қарашда арзимас бўлиб туолладиган ишлар учун одамларнинг қанча вақти, асаби кетади. Шуларнинг ҳаммасини бир жойда, марказлаштирган ҳолда, тезлик билан ҳал қилса бўлади-ку!

Мамлакатимизда барча шахар ва туманларда, мисол учун, олис Чимбой ёки Кўрғонтепа туманида ҳам аҳолига давлат хизматларини кўрсатадиган идоралар мавжуд. Улар халққа хизмат қилиш учун тузилган. Лекин, афсуски, аксарият ҳолларда улар халқдан узилиб қолган, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аслида XXI асрда — Интернет ва ахборот коммуникациялари даврида бу ишларнинг барчасини уйдан чикмасдан туриб, компьютер ёки уяли телефон орқали баҳарлиш имкони бор-ку!

Ривожланган давлатларда бундай тизим алақачон йўлга қўйилган. Шу тизимни юртимизда ҳам жорий этишга, нима, имкониятимиз йўқми? Бор, албатта. Фақат биз бу масалага қандайдир арзимас, майда масала, деб қарашга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, инсон ҳаёти, инсон манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шунинг учун биз энди давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ишни мутлақо янгича асосда ташкил этишимиз. Энди давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилот ва тузилмалар бевосита жойларга, маҳаллаларга чиқиб, аҳолига хизмат кўрсатади.

Вилоятлар, шахар ва туманлардаги Халқ қабулхоналари бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб, назорат қилиб боради.

Жанубий Кореяда 750 турдаги давлат хизматлари кўрсатилар экан. Сеул шаҳри маъмурияти вакиллари келиб, Тошкент шаҳрида ҳам шундай хизматларни йўлга қўйиш бўйича ёрдам беради.

Ана шундай тизимни йўлга қўймас, уйламанки, халқимизга катта энгил-

лик яратилади, одамлар биздан рози бўлади.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига дахлдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 15 кун муддатда ушбу масала бўйича Президент қарори лойиҳасини киритиш вазифаси топширилади.

**Иккинчидан, халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чққур англаб етишимиз зарур.**

Бунинг учун турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари — парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш керак. Парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати механизмларини янада ривожлантиришимиз зарур.

**Ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.**

Шу билан бирга, давлат идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳам ушбу тамойилни амалда қарор топтиришнинг ажралмас шарти ҳисобланади.

Одамларимиз давлат органлари, шунингдек, ўзлари сайлаган вакиллар нима билан шуғулланаётганини билишлари, уларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бера олиши учун барча имкониятларни яратиб беришимиз даркор.

**Учинчидан, биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини сақлашга оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши лозим.**

Бу борада малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, патронаж ва скрининг хизматларини замонавий даражага кўтариш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш тизимини самарадорлигини ошириш биринчи даражали вазифамиз бўлиб қолади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини ва тиббий маданиятни оммалаштириш бўйича ҳам жиддий иш олиб боришимиз зарур.

**Тўртинчидан, бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага — ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.**

Ижтимоий адолат — бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу — таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу — қафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу — кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги гамхўрликдир.

Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз — бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат.

**Киссача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади.**

**Бешинчидан, фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш — ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.**

Биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намо-

ён бўлишини таъминлашимиз лозим. Бу борада кўппартиявийлик тизими, партиялараро баҳс-мунозара, фикрлар ва дастурлар ўртасидаги рақобатни жадвал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур. Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқиш улар фаолиятида асосий мезон бўлиши керак.

**Олтинчидан, бизнинг яна бир муҳим вазифамиз — фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни изчил амалга оширишдан иборат.**

Бу принцип мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган конституциявий асосдир.

Биз барчамиз — фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безовол етказиш учун бирдек масъулмиз.

Юртимизда яшаётган турли миллат ва эллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни асраш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

**Еттинчидан, тadbirkorлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан бўён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади.**

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ана шу конституциявий қонуннинг изчил амалга оширилиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадвал ривожлантириш бўйича олиб бораётган барча ишларимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Биз иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, тadbirkorларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини бундан кейин ҳам қатъий давом эттирамиз. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида пайдо бўладиган тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш масаласи давлат раҳбари сифатида менинг доимий эътиборим ва назоратимда бўлади.

Яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: **tadbirkor йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатида хиёнат, деб қабул қилиш керак.**

**Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси сўз ҳудудида ҳам, мамлакат ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини қафолатлаш ҳақидаги конституциявий қонуннинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шарт.**

Афсуски, шу вақтга қадар чет элларда меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига етарлича эътибор берилмади, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги кунда юртдошларимиз чет элда фақат қора меҳнат билан эмас, илм-фан, банк-молия, ахборот-коммуникация технология соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Ана шу ҳолатни инобатга олиб, ҳорижда қонуний асосда меҳнат қўлаётган, таълим олаётган фуқароларимизга бўлган муносабат бугунги кунда тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш

зарур. Ўзбекистон ҳукумати бундан бўён ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишдан қатъи назар, ҳар томонлама ҳимоя қилади.

Бу ишларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни бошладик. Россия билан меҳнат миграцияси бўйича келишувга эришилди. Ўзбекистондан махсус делегациялар бориб, ҳориждаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар кўрилумоқда.

Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-қетишлари, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтирамиз.

Яна бир муҳим масала — Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан, **Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.**

Биз жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришни ўз олдимизга қўйган улум мақсадларга етишнинг энг муҳим омилли, деб биламиз. Шу мақсадда дунёдаги барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда кўшни мамлакатлар билан самарали алоқаримизни янада кучайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган халқроқ ташкилотлар вакиллари, чет давлатларнинг муҳтарам элчилари самимий қўллаган ижозат бергайсиз. Уларнинг барчасига яқин ҳамкорлик учун миннатдорлик билдириб, масъулиятли фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз жонажон Ватанимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишдек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Ишончим қомил, ана шу олижаноб мақсадларга эришишда давлат органлари, кенг жамоатчилик, барча фуқароларимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Конституцияга амал қилишимизда қафили сифатида жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг нафақат вазифам, ҳисобламан, муқаддас бурчим, деб эътиборлайман.**

Ҳеч шубҳасиз, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин халқимиз сиёсий ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз янги-янги авлодлар учун ҳаёт қомуси, даврининг ўзи ўртага қўйдиган долзарб муаммоларни ечиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сиз, азизларни Конституциямизнинг қўллагу байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сўхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзданлар, набиралар бахту камоллини кўришни тилаймиз.

Яратганининг ўзи юртимизни баалоқазолардан асрасин, эзгу ишларимизда доимо мададкор бўлсин!



## Буюк ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, Асосий қонунимиз халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашимизнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар халқимиз турмуш тарзида туб бурилиш ясади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ», деган олижаноб ғоя устуворлик касб этиб, давлат ҳокимияти бошқарувида мутлақо янги тизим — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари ташкил этилди, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизими яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланди.

Йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган даъват замирига қурилди. Бу эса юртдошларимиз қалбида акс-садо бериб, барчамизни Ватан тақдирини дахлдорлик туйғуси билан яшаш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этишга руҳлантирди.

Тантанали маросим бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар акс этган катта концерт дастури билан яқунланди.

ЎЗА

Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.



## Давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда дунёдаги нуфузли эксперт ва мутахассислар ҳам халқ билан мулоқотнинг бундай усули катта самара бераётганини эътироф этмоқда.

Халқимиз Яратгандан аввало тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, болачакам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўйбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада, албатта, улкан ишлар амалга оширилди. Учатка профилактика инспекторларига хизмат машиналари ва уй-жойлар ажратилмоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кuni "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кuni" сифатида белгиланди. "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Айниқса, ёшларимиз учун уларнинг соғлом туғилишидан то муस्ताқил ҳаётга қадам қўйгунча барча зарур шароитлар яратиб берилаётгани эътиборлидир. Давлатимиз раҳбари сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеяси сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенция ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сургани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилиб, барча давлат органлари ва маҳаллаларда ёшлар масалалари бўйича раҳбар ўринбосари лавозимлари ташкил этилди.

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг энг олижаноб қадриятларидан ҳисобланади. Шу маънода, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини жонлантириш, хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, ҳаётини манфаатларини таъминлаш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасида улкан янгиланишлар рўй берди. Доридармон таъминоти, тез тиббий ёрдам, кишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан яхшилаш, ҳудудларда ихтисослаштирилган тиббий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ муҳим вазифалар амалга оширилди. Кишлоқ врачлик пунктлари негизда 800 га яқин оилавий поликлиника, 400 дан ортиқ тез тиббий ёрдам шохобчаси ташкил этилди. Кишлоқда ишлайдиган 700 га яқин шифокор хизмат уйлари билан таъминланди.

Хориждаги нуфузли клиникаларда ишлаётган 60 га яқин ўзбекистонлик малакали шифокор юртимизга қайтди ва қулай шароитлар билан таъминланди. Улар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилмоқда. Шунингдек, хориждаги йирик тиббиёт масканларининг шифокорлари Ўзбекистонга келиб, мураккаб операцияларни амалга оширмоқда. Худудларда республика ихтисослашган тиббиёт марказларининг филиаллари ташкил этилди. Патронаж ва скрининг масаласига энг асосий вазифа сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда юртимизда йўл-транспорт инфратузилмаси, коммунал хизмат даражасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ жойларга тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш бўйича катта-катта дастурлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, кинотеатрлар, кўргазма заллари, кутубхоналар бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш мақсадида қўлдан келган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, ўзининг эзгу мақсад-муддаоларига албатта эришишига барчамиз кундалик ҳаётимизда ишонч ҳосил қилаётганимизни алоҳида таъкидлади.

Шундай экан, бу йўлда бошланган хайрли ишлар келгусида ҳам албатта давом эттаверади.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бахтиёр Генжемуратов, Давлат мукофоти совриндори, Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази бош врачлари ўринбосари Вера Белоцерковец, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиблари — меҳнат фахрийси Каллибек Камалов, «Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси Икромхон Нажмиддинов, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиблари — Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси раҳбари Оқил Салимов, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети профессори Азмиддин Садриддинов, Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори Галина Цой, «Дўстлик» ордени соҳиблари, «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Хасан Нормуродов ва бошқалар камтарона меҳнатларини юқори баҳолаб, давлатимизнинг юксак мукофотларига муносиб кўргани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

# Фидокорона меҳнатнинг муносиб эътирофи



**Ўзбек Миллий академик драма театрида фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида меҳнат қилаётган юртдошларимиздан бир гуруҳига давлатимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишлаб тадбир ўтказилди.**

Орамизда шундай инсонлар борки, улар қалбида Ватанни севиш ҳисси янада чуқур акс этган. Бундай одамлар юрт ғамини еб, эл дарди-ташвиши билан яшайди. Улар хоҳ ўқитувчи, хоҳ шифокор, хоҳ оддий ишчи, хоҳ

ижодкор бўлсин бетиним меҳнат қилмоқда, мамлакатимиз равнақи йўлида бор кучи, иқтидорини сарфламоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган тараққиётнинг янги босқичи-

да бундай инсонлар сафи янада кенгайди.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ана шундай юртдошларимиздан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни кучайтириш, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига сардоқат руҳида соғлом ва

баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги самарали хизмати, жамоат ишларидаги фаол иштироки учун фажрий унвонлар ва орденлар билан тақдирланган юртдошларимиз барча учун ибрат эканлигини қайд этди.

Ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлганлар орасида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг 6-разрядли чоп этувчиси Юсуфжон Эргашев ҳам бор. «Меҳнат шухрати» орденини кўксига таққан бу инсон салкам қирқ йилдан бери шу соҳада меҳнат қилиб келмоқда. Шундай экан, бирон ўзбек хонадон бўлмаса керакки, у чоп этган китоблар кириб бермаган бўлса. Энг муҳими, матбаа устасининг касбга садоқати, ишга талабчанлиги, юқори касб малакаси бугун кўплаб шогирдларига тажриба мактаби бўлмоқда.

— Ўтган йиллар давомида музейимизга келган меҳмонларни таҳлил қилганимизда, уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги аниқланди, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фажрий унвони соҳибаси Ж.Ис-

моилова. — Бу эса бугун музейлар ёшларни маданий, тарихий, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва аъёналари, санъат асарлари билан таништириш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори ўринбосари Забардаст Бўриев «Шухрат» медали билан тақдирланди.

— Давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда илм-фан ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди олим. — Бунинг самарасида бизнинг марказ ҳам янги бинога эга бўлди, энг замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Натижада марказимизда жаҳонда биринчи бўлиб янги «ген нокаут» технологияси яратилиб, дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатига патентланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

**Малоҳат ХУСАНОВА,**  
ЎЗА муҳбири

## Иқтидорли ёшларга юксак мукофотлар топширилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ёшлар — келажак бунёдкори. Бугунги Ўзбекистон ёшлари халқимизнинг бой маънавий-маърифий меросини, зукколиги, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби эзгу аъёнларини ўзида мужассам этган ҳолда, жамиятимизда муносиб ўрин эгалламоқда. Бу жиҳатлар ёшларимизнинг изланувчанлиги, билим эгаллашга бўлган иштиёқи, яратувчанлик хислати, ислохотларимизга дахлдорлик туйғуси мустаҳкамлигида намоён бўлади. Шу боис юртимиз ёшларига яратилган шароитлар, кенг қўламли имкониятларга, пировардида, улар эришаётган муваффақиятларга кўпчилик, хусусан, дунё ёшлари ҳавас билан қарамокда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар кuni, деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти иш бошлади. Ёшлар уйлари барпо этилмоқда. Турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти таъсис этилди, «Кела-



жак бунёдкори» медали таъсис этилмоқда.

Бу йил Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 37 нафар ёш авлод вакили давлатимизнинг «Дўстлик» ордени ва «Шухрат» медали билан тақдирланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши қарори билан 40 нафар йигит-қиз «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллиги арафасида юк-

сак мукофотлар тантанали топширилди.

— Бу мукофот бизни янги марралар сари чорлайди, — дейди Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси раҳбари, «Шухрат» медали совриндори Исломбек Аvezов. — Юртимизда ёшлар манфаати юксак кадрланади, барча имкониятларга эгамиз. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бизнинг вазифамиздир. Ҳозир 10 нафар тенгдошимни иш билан таъминлаганман. Ёшларга касб ўргатиш марказини ташкил қилдик.

Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, 30 янги иш ўрни ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ёшларимиз сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Зеро, ёш чоғим — олтин чоғим, дейди донишманд халқимиз. Бу фаслнинг беқиёс имкониятларидан унумли фойдаланиш, билим эгаллаб, Ватанимизга хизмат қилиш янада шарафлидир.

Тантанали тадбирда юксак мукофот олган ёшлар дил изҳорларини билдирди.

**Улугбек АСРОПОВ,**  
ЎЗА муҳбири



# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши тизимида меҳнат қилаётган барча азизларни, мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл элчихоналари ходимларини **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллик байрами билан самимий кутлаймиз.** Меҳр-мурувват, сабр-бардош, бағрикенгликдек умрбоқий қадриятларимиз доимо камол топаверсин! Ҳар бир хонадонга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз.



«Мовароуннахр» нашриёти, «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси, «muslim.uz» веб-портали жамоалари барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги байрами билан самимий кутлайди. Яратгандан юртимизда шундай байрам тантаналари бардавом бўлишини сўраймиз!



# ОБУНА—2018



**Хидоят**

**ИСЛОМ  
НУРИ**

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Севимли нашларингиз – «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловалари («Хидоят», «Ислам нури») йилдан-йилга мазмунан бой, шаклан чиройли бўлиб, обуначилари тобора кўпайиб бормоқда.

Азиз ватандошлар! Ўзингизни, оила аъзоларингизни илм-маърифат нуридан бебаҳра қолдирманг! «Маърифат улашиш – энг эзгу амал» шиорини маҳкам тутайлик.

Нашрларимизга обуна бўлинг!



@muslimuzportal  
@hidoyatuz

Йиллик ОБУНА БАҲОСИ:  
(масжидлар орқали)

**«ХИДОЯТ» – 45 000 сўм;**  
**«ИСЛОМ НУРИ» – 36 000 сўм.**

Қорақалпоқ тилидаги иловалар:

**«ХИДАЯТ» – 25 000 сўм; «ИСЛАМ НУРИ» – 18 000 сўм.**

Манзилимиз: 100002, Тошкент шаҳри, Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй. Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (0 371) 227-34-30; (0 371) 240-08-23

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

## Ноодатий дарслар

педагог Баҳор Акбарова фаолиятининг асосини ташкил этади

**Фурсат ва имкон, ҳаракат ва натижа, мақсад ва эътироф... Бу тушунчаларни чуқур англаган инсон ҳаётда муносиб ўрин эгаллаб, қайси жабҳада фаолият юритмасин, юқори марраларни забт этишига шубҳа йўқ. Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари фани ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017" республика кўрик-танлови ғолиби Баҳор Акбарованинг барча интилишлари замирида ана шу касбий ва ҳаётий қарашлар мужассам.**

У шунчаки яшамайди, шунчаки дарс ўтмайди. 45 дақиқадан унумли фойдаланиш, ҳар бир мавзунини ўқувчи қизиқарли етказишга уради. Ўқитувчи танлов шартини буйича нотаниш синфда, нотаниш ўқувчиларга сабоқ беришда мавзунини турли усуллар ёрдамида тушунтириш билангина чекланмади. Баҳор Акбарова 9-синф ўқувчиларига "Энг улғу мақсад" мавзусидаги дарсни парталарини "П" шаклида жойлаштириш, ўқувчилар фикрини жамлаш ва фанга ижодий ёндашишдан бошлади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясига боғланган савол-жавоблар орқали аълочи ўқувчилар сараланиб, ўртадаги столга тақлиф этилди. Дастур йўналишларини ранглар жиҳоси билан батафсил изоҳлаган ўқувчиларга кўрак нишони шаклидаги рағбат карточкалари

ри берилди. Дарснинг мустаҳкамлаш қисмида "Боғ яратиш" усулидан фойдаланилди.

Мультимедиа воситасида маълумотлар онлайн кўрсатилди. Экранда 6 та савол пайдо бўлди. Масалан, "Асосий миллий ғояларимиз неча?" деган саволга ўқувчилардан бири "Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи, динлар аро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик ва комил инсон" ғояларини санаб берди. Шунда экранда гул ўсиб, ўқувчилар кайфиятини кўтарди.

Машгулот якунидаги "Фикрнинг давом эттириш" методи янада қизгин кечди. Бунда ўқитувчи бошлаб берган мавзу ўғил-қизлар томонидан давом эттирилди.

— Аслида бу методда фикр билдирилмаган ўқувчи ўйиндан четлатилиши, яқинда эса илғор ўқувчи аниқланиши лозим эди, — дейди Баҳор Акбарова. — Аммо

синфда билимдон ва зукко болалар кўплиги боис ўйин шартини бироқ ўзгартириб, "Энг оригинал фикр соҳиби"га рағбат карточаси берилди. Дарс давомида улар билан маънавий яқинлик ва дўстона хурмат юзага келгани ютуғим бўлди.

Юқори Чирчиқ туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Баҳор Акбарова ҳар бир машгулотга қизиқарли кўргазма ва қўшимча маълумотлар билан келишга, аънавий фан ойликларини ўзгача кутиб олишга одатланган.

Ташаббускор ўқитувчи синфлараро "Энг яхши деворий газета", "Заковат", "Бахтимиз Қомуси" сингари танловлар уюштиради. Ўқувчилари туман миқёсида ўтказиладиган "Президент асарлари билимдони" танловида ҳам фаол иштирок этади.

— Миллий истиқлол ғояси туркумидаги фанлар қамрови кенг бўлгани учун бошланғич синфлардаги одобнома дарсида "Хулқатворли бола", юқори синфларда эса "Ҳафта ичида" рукнини жорий этганман, — дейди ўқитувчи. — Уларни мулоҳаза юритишга ва маълумотлар излашга ундайман. 5-6-синф ўқувчилари учун "Тушунчалар таҳлили", "Венн диаграммаси", "Ким кўп биларди?" каби усуллардан фойдалансам, битирувчи синфларда "Калит сўз", "Да-

## Йилнинг энг яхши о'қитувчиси



раҳт" методларини қўллашман.

"Сеҳрли сандиқча" ижодий ўйинини педагог тортинчоқ ўқувчиларни жалб этиш, синfxонда дўстона муҳит яратиш учун қўллади. Унинг сандиқча шаклидаги рангли қутичаси бор. Ўқитувчи ҳар гал машгулотга кирганда қутича ўзгармасда, ичидаги саволлар алмашади. "Сеҳрли сандиқча" усулидан мавзунини мустаҳкамлаш қисмида фойдаланилади. Масалан, аввал сандиқча ичидаги оқ қозғачалар ўқувчиларга тарқатилади. Икки дақиқада мавзуга оид саволни ёзиб, сандиқчага солиш талаб этилади. Барча саволлар аралаштирилгач, ўқувчилар

навбат билан саволлардан бирини танлайди. Тенгдошлари томонидан тузилган саволга жавоб бергач, доно битиклар ёки ҳикматли сўзлардан мисол келтиради.

Шу тариқа ўғил-қизлар ажодлар мероси ва пурмаъно фикрларга эътибор қаратишга ўргатилади. Муаллимнинг ўқувчилари ҳар бир дарс учун мазмунли савол ўйлашга, чиройли миллатларга айтишга одатланган. Энг яхши савол муаллимларига рағбат карточкалари тарқатилади. Асосий мақсад синфдаги барча ўқувчини бирдек фаолликка ўргатишдир.

Шоира БОЙМУРОДОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири

## Қардош ва қондош эллар

**Зоминнинг нуриқор тоғлари, шарқираган Зоминсой бўйларидаги мусаффо иқлим кимларни лол қолдириб, мафтун этмаган дейсиз. Бу тоғлар бағрида шу нуриқорликни ўз қалбидан мужассам этган инсонлар яшайди. Неча асрларки, жондош, қондош бўлиб, шу азиз ва муқаррам тупроқни ўзига Ватан билиб келатган қирғизлар ўзбеклар билан бамисли эту тирноқ каби бирлашиб кетган.**

Ватанимиз, халқимиз қисқа фурсат ичида эришган, дунё ҳавас қилса арзийдиган ютуқлар, забт этган марралар бутун жаҳонда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари-нинг дўстлик ришталари юртимизда амалга оширилган одилонани сийёсат тўғрисида янада мустаҳкамланди. Қардош қирғиз эллати ҳам шу диёрнинг фарзанди сифатида бу ютуқларга ҳисса қўшиб келатгани роҳт.

Зомин тоғларининг бағрида жойлашган Тогтарак, Ўртикчи, Усмоноси, Қоронғисой, Эртикчи, Дуба, Бойтепа, Сарикамар, Сувлисой, Қурисой ва Арчали каби қишлоқларда яшаётган қирғизларнинг кўпчилиги бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб келмоқда. Тумандаги таълим қирғиз тилида олиб бориладиган жами



### О'zbekiston — umumiy uyimiz

6 та мактабнинг 4 таси Дуба ҚФЙ худудида жойлашган. Уларда 775 нафар ўғил-қиз ўз она тили билан бирга, ўзбек, рус ва инглиз тилларида бийрон сўзлашиб, барча фанлардан намунали таълим олиб келишяпти. Ана шу мактабларни битирган ёшларнинг 150 нафардан ошиғи айна пайтда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўзлари танлаган йўналиш буйича сабоқ олаётган бўлса, 50 дан орттиғи мамлакатимизнинг турли олий таълим даргоҳлари талабаси. Ўнлаб собиқ ўқувчилар бугунги кунда фан доктори, профессор унвонига сазовор бўлган.

Худудда замонавий қишлоқ врачлик пункти, бутун Ўзбекистонга машҳур "Зомин" санаторийси, 4 та болалар оромгоҳи, бир қанча пан-

сионат ва дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаб, турмуш фаровонлигини янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Биргина Дуба ҚФЙ мисолида айтадиган тўғайи, Зомин табиат боғи, Зо-

мин кўриқхонаси, бир қанча фермер хўжаликларида кўплаб иш ўринлари яратилган. Айниқса, сув сероблиги тўғайли ҳар бир хонадон шахсий томорқа хўжалигидан қўшимча даромад олишда самарали фойдаланяпти. Қувонарлиси, эҳтиёждан ортган олма, ёнғок, бодом, pista ва полиз экинлари нафақат туман аҳолиси, балки четдан келган меҳмонларнинг ҳам талабини қондирмоқда.

Алоҳида айтиб ўтиладиган яна бир жиҳат шуки, Дубанинг ёғли падири, мойли қурути, тандир гўшти, pista-бодом, зираси, доғвор ўсимликлари нафақат республикамиз, балки, чет элдан келатган хорижлик сайёҳлар орасида ҳам машҳур. Бу борадаги иш-

ларни янада кенгроқ ривожлантириш, экотуризмни оммалаштиришга ҳисса қўшиш учун бизда барча шароит мавжуд. Фақат бундан унумли фойдаланишимиз лозим.

Дуба ҚФЙда намунавий лойиҳалар асосида кўплаб уйлар барпо этилиб, фойдаланишга топширил-япти. Уларда турли миллат вакиллари нафақат элатдош, балки кўни-қўшничилик ришталарини мустаҳкам боғлаб аҳил-иноқликда яшамоқда. Бир том остида ўз гам-ташвиши, қувонч-шодлигини баҳам кўриб келатган бу каби биродарларни кўриб қувонмай бўладими!

Мен фаолият юритаётган 23-мактабда ҳам ўқувчиларнинг замон талаби даражасида билим олиши учун барча шароит етарли. Ўқувчилар қирғиз тилидаги дарслик ва бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Уларга тажрибали педагоглар сабоқ бермоқда. Мактабимизда турли маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилади. Одоб-ахлоқ, китоб ўқиш, халқлар дўстлиги мавзуларидаги тадбирлар ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати билан бадиий кеча, давра суҳбати ва турли танловлар ўтказяпмиз.

Исроил ДУШАНОВ,  
Зомин туманидаги 23-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

## Хуқуқимизни қадрлайлик

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда).

Эрта тонгдан ота-оналар фарзандларини боғчага, мактабга жўна-тиб, ўзлари хотиржам ишга кетишади. Юртимизда шундай шарт-шароит яратилганидан қувониб, шукрона келтиради. Аммо ҳамма ота-она ва болалар ҳам бундай гамхўрликнинг қадрига етяптими?

Қинда бир танишим шундай ҳикоя қилди: «Эрталаб ўғлимни мактабга ташлаб, шошиб ишга келдим. Ойнинг охири, ишим жуда кўп эди. Қўлим-қўлимга тегмай турган пайтда ўғлимнинг синф раҳбари телефон қилди. «Ўғлингиз бугун дарсга келмади. Тинчликми, касал бўлиб қолмади?» Юрагим шув этиб кетди. Унга нима жавоб берганим ёдимда йўқ, уйга югурдим. Аммо на уйда, на мактабда боладан дарак йўқ. Мактаб ақинидаги дўкон сотувчиси бир неча боланинг компьютер хонаси томон кетганини айтиди. Қидириб топдик. Фарзандим ўртоқлари билан ўйин уйнаётган экан...».

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг бекаму кўст билим олиши, қизиқишига кўра касб-ҳунар ўрганиши учун барча имкониятлар етарли. Аммо нега ҳамон шундай воқеалар содир бўлмоқда?

Мамлакатимиз Конституциясининг 41-моддаси халқимизнинг фарзанд тарбияси, унга гамхўрлик кўрсатишга

доир азалий қадриятларини ўзида тўлиқ мужассам экан. Демак бугун ана шу имкониятдан самарали фойдаланиш керак, холос. Янги ўқув йилдан Президентимиз таклифи билан 11 йиллик мажбурий таълим жорий этилгани ота-оналар томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Энди фарзандларимиз билим даргоҳларида намунали таълим олиш билан бирга ўзига ёққан касбини ҳам ўрганиши мумкин. Бу имкониятлар, бу замонавий ўқув жиҳозлари — барчаси Асосий Қонуниimizдаги 41-модданинг амалдаги ижросидир.

Бу имкониятларнинг аҳамияти, мазмунини мактабда ўқувчиларга, уйда фарзандларимизга кенг тушунтириш хар биримизнинг бурчимиздир. Зора, шунда юқоридagi воқеа қахрамонларини компьютерхонадан эмас, мактаб устахонасидан қидириб топсак.

**Отабек МУРОДОВ,**  
**Қарши шаҳридаги 39-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

## Ишга боргунча...

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдилар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 50 модда).

Эрталаб уйдан чикдим. Ҳаво соф ва мусаффо. Уйимиз атрофидаги чоғроқина майдончага кўшнлар билан ҳашар қилиб экан анвойи гулларимиз барқ уриб очилиб турибди. Гулзор атрофидаги ўриндиклар, ундан сал нарироқда болалар майдончасидаги хар хил ағримчоклар, турли ҳайвон ҳайкаллари атрофга файз бериб турибди. Ҳамма ҳаммасига яқинда ранг берилган, худди янгидек ярқирайди. Атроф топ-тоза, супуриб-сидирилган. Бу манзарадан кўнглим тоғдек кўтарилиб, яхши кайфият билан ишга отландим. Йўлнинг икки четидаги дараклар аскарлардек саф тортган, таглари чопилган, танаси оқланган...

Яна бироз юргандан сўнг кўзим тушган манзара кайфиятимни бузди. Уй атрофидаги бетартиблик, яқин кўнларда супурги тегмаган ҳовли, болалар майдончасидаги бузилган ағримчоклар, оқланмаган дараклар, ҳеч нарса экилмаган ерлар хунук қўёфада. Ранги ўчган, синик ўриндикда икки-уч аёл писта чақиш билан овора. Гарчи ишга шошиб турган бўлсам-да, бу манзарами шундай қолдириб кетгим келмади. Йўлни писта чақиб ўтирган аёллар томон бурдим. Шу пайт ёшгина келинчак уйдан чикинди тўла пакет кўтариб чикди-да, шундоққина йўлак четида қолдириб, қайтиб кета бошлади. Энди бунисига чидаб туролмадим.

— Ҳой, синглим, тўхтанг, — дедим иложи борича мулойим оҳангда.  
Келинчак шошиб турганиданми, энсасини қотириб тўхтади.  
— Шу ҳовлида яшайсизми? — дедим ҳозиргина йўлак ёнига қўйиб кетган чикинди томонга ишора қилиб.  
— Ҳа.  
— Чикинди ташлаш учун махсус ажратилган жой борку, нега бу ерда қолдирыасиз?

У гап талашгиси келмадими, зарда билан изига қайтиб, пакетни силтаб олди-да, чикинди ташлаш учун ажратилган махсус жойга қараб кетди.  
— Зап иш қилдингиз-а, айланай, ҳозирги ёшлар шунақа эринчок бўлиб кетган, — дея писта чақиб ўтирган аёлларнинг ёши каттароғи гап қотди.  
— Ўзингиз ҳам шу уйда яшайсизми? — дея аёллардан сўрадим.  
— Ҳа.  
— Унда ўзингиз шу ёшларга ўрнак кўрсатиб, атрофни тозалаш, гул, дароҳт экишга бош-қош бўлсангиз-чи!

Боғгина бир-бирига гап бермай чуғурлаётган аёллар жин бўлиб қолишди.  
— Шу ҳовлининг ёши улуг аёллари экансиз. Ёш келинчаклар, бўй қизлар сиздан ўрнак олишади. Наҳотки, болаларингиз шундай бетартиб, бефайз муҳитда улғайишини, яшашини истасангиз?..

Йўлимда давом этдим. Ўзимга ўзим «Менга нима эди-я, билганини қилмайдими, ўзимнинг уйим ёки ҳовлим эмас-ку» дедиму, «Йўқ, кимдир гапириши керак-ку» деб ўйладим яна ўжарлик

**“MA'RIFAT”ga maktublar**

Toshkent shahri  
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy.  
"Ma'rifat" gazetasini tahririyatiga  
E-mail: info@marifat.uz

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси хар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда харбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдилар. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда).

## Ватан ҳимояси — шараф ва ғурур

Мустақиллик йилларида жамиятимизда, биринчи навбатда, ёшларимиз ўртасида харбий хизматнинг нуфузи юнсақ даражага кўтарилди. Эндиликда армияда хизмат қилиш Ўзбекистоннинг хар бир фуқароси учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, нафақат конституциявий бурч, балки том маънодаги шон-шарафга айланди. Бу эса миллий армиямизни малакали ва етуқ кадрлар билан таъминлаш, Қуролли Кучлар салоҳиятини янада ошириш ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг мударатли харбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мударатли харбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, қақирув комиссияларининг фаолияти ошқора ва жамоат назорати остида ўтказилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибига Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари киритилди. Йиғин ва қақирув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, замон талабларига жавоб берадиган даражага етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги қарорига мувофиқ 2010 — 2012 йиллар мобайнида республика бўйича жами 196 та йиғин ва қақирув пунктлари ташкил этилди. 14 та йиғин ва 173 та қақирув пунктларида реконструкция, 5 та қақирув пунктда мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Фуқаролар-

ни мударатли харбий хизматга танлов асосида қақариш тизими яратилди, уларга бир хил шарт-шароит яратиб бериш, ошқоралик ва ижтимоий адолатни таъминлаш, билим савияси ва умумжисмоний тайёргарлик даражасини холисона баҳолаш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Давлат Тест маркази ҳамкорлигида «Мударатли харбий хизматга қақарилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» ишлаб чиқилди. Мақзуру низом Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан келишилди ва 2016 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ватан ҳимояси шарафли ва улуг мақсад эканлигини ёшлар онгига сингдириш хар бир педагогнинг инсоний бурчи ҳисобланади.

**Хусниддин САИДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник**

Ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдилар. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 64-модда).

## Тарбия — буюк иш

Фарзандларимиз тарбия оладиган маскан — оила жамиятнинг асосий негизини ташкил этади. Боланинг характери, табияти ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчалар пойдевори оилада қарор топади.

Буюк юнон олими Демокритдан бир киши сўрайди:

— Ҳозирги ёшлар тўғрисида нима дея оласиз?

— Улар ўз билганларидан қолмайдилар, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат йўқолган, махмадога ва ўзбошимча бўлиб кетишган. Бунинг олдини олиш учун оиладаги ва атрофдаги тарбияни кучайтириш керак, — деб жавоб берибди мутафаккир.

Ота-она, эр-хотиннинг ўзаро муносабати болалар тарбиясида асосий мактаб вазифасини ўтайди. «Қуш уясида кўрганини қиладми», деган мақол бежиз айтилмаган. Бу ҳақда Маъжусий Хавофий «Ўз фарзандингизни яхши хулқи, одобли ва ақлли бўлишга ўргатинг... Агар кимки ёшликдан яхши хулқ ва одобни эгалламас экан, улғайганда ундан ҳеч нарса талаб қилиб бўлмайди» деб уқтиради. Француз адиби Жон Руссо «Боланинг илк тар-

биясига она масъулдир. Бинобарин, она соғлом ва ақлли бўлмоғи лозим»лигини таъкидлаган. Бола тарбиясида отанинг қаттиққўлиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омил саналади. Оиладаги умумий соғлом муҳит меҳр-мухаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик, ота-онанинг билим савияси, гул ва пулдорликка, моддий ва маънавий бойликка муносабатига боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Тарбия — буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади. Шундай экан, болани хушхулқ қилиб тарбиялашда ота-она баробар жавобгардир.

Қолаверса, болани боқиш ва намунали тарбиялаб воёга етказиш хар бир ота-онанинг конституциявий мажбурияти ҳисобланади.

**Ҳамиджон ҚОСИМОВ,**  
**Поп туманидаги 16-ИДУМИ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

Мақбулларни «Ma'rifat» мухбири Асолат АХМАДҚУЛОВА тайёрлади.

XXI asrda ilmiy fantastikadan real voqeelikka aylangan dron qurilmalari haqida sўnggi yillarda kўp gapirilyapti.

Dron sўzi inglizcha «tukli ari, эркак асалари» маъноларини англатади. Мазкур сифат qurilmанинг кичик ҳажми ва учуш хусусиятига ишора қилса-да, унинг бундай аталиши сабаби сал бошқачароқ. Яъни, аппарат учаётганида худди ари галаси каби сувиллаган овоз чиқаради.

Бугун оммавий ахборот воситалари ва интернетда кенг тарқалган «дрон» сўзини нафақат биз билган дрон-камералар, балки ҳажми ва вазифасидан қатъи назар, учувчисиз парвоз қиладиган ҳар қандай аппаратга нисбатан қўллаш «урф»га кирди. Сўнгги бир неча йилдан бери инсонларнинг сеvimли «эрмаги»га айланган дронларни яратшдан мақсад нима?

Масофадан бошқариладиган механизмлар



foяси электр энергияси ихтиро қилингач, XIX аср охирида пайдо бўлди. Унинг илк намунасини 1899 йили Никола Тесла омма эътиборига ҳавола қилди. Ихтирочининг масофадан бошқариладиган қайғи ўшанда барчани хайратга солганди. XIX аср ўрталарида ҳарбий мақсадда ишлаб чиқарилган бомба ташлашга мўлжалланган ҳаво шарларини эса учувчисиз парвоз қиладиган аппаратларнинг биринчи авлоди дейиш мумкин.

Биринчи жаҳон уруши даврида ҳам бундай аппаратларга қизиқиш ва талаб кучайган. Улар қўшинларнинг жанговар кучини ошириш билан бирга, душман худуди ҳақида муҳим маълумотлар тўплашга хизмат қиладиган разведкачи вазифасини бажарган.

XXI асрга келиб дронлар тарихида янги саҳифалар очилди. Энди учувчисиз аппаратлар ҳарбий хизматлардан ташқари маиший мақсадларга ҳам йўналтирилди. Американинг машҳур «Amazon» компанияси биринчилардан бўлиб харидларни манзилига кичик дронлар ёрдамида етказиб беришни йўлга қўйди. Вақт ўтиб, айрим ҳудудларда хўжалик ишларидан тортиб, йирик sanoat корхоналаридаги мураккаб вазифаларга дронлар ёрдамида бажарила бошланди.

Ҳаммасидан кўра, айна кунларда ёшлар орасида видео ва фототасвирлар олишга мўлжалланган дронлар оммалашиб бораётгани эътиборни тортади. Замонавий технологиялар ривожланиши натижасида дронларнинг тури кўпайиб, бошқарув усуллари такомиллашмоқда. Эндиликда улар харидорларга янада ихчам, мукамал ва ранг-баранг кўринишда тақдим этилмоқда.

### Бир-бирдан қолишмайди...

Баландликдан тасвирга олиш ёки бизнес ишлари учун қўлланиладиган маиший дронлар 100–500 метрдан 2–5 км баландликка кўтарила олади. Улар энгил ва ихчамлиги билан ҳам ажралиб туради. Бундай дронлар мураккаб бўлмаган пулт ёки мобил қурилма(смартфон ёки планшет)га қиритилган махсус дастур ёрдамида бошқарилиб, кўплаб ёрдамчи функциялар билан бойитилган.

Дронларнинг 10 км масофага уча оладиган тури профессионал тасвирга олиш учун ишлатилади. У юқори тезлик, сифатли камера ҳамда ўз бошқарув тизимига эга. Коптер номи билан оммалашган аппарат, айниқса тирбандлик кўп юзага келадиган катта шаҳарлар, мегаполисларда харид ва бошқа жўнатмаларни манзилига тез ва осон етказиб беришда кўл келади.

Давлат ёки ҳарбий мақсадларда фойдаланиладиган 5400 дан 18 минг метргача кўтарила оладиган дронлар А, 360 метрдан баландликка чиқолмайдиган дронлар G тоифасига қиритилади.

Шакли ва кўринишидан қатъи назар, дронларнинг деталлар жамланмаси одатда ўхшаш бўлади. Улар марказий платформа, ёруғлик, қарданли илгак, «FPV-камера», электродвигателлар, бурилишни тартибга солувчи асбоб ҳамда двигателлардан иборат. Шунга қарамай, улар мақсад-вазифасига қараб яна бир қанча турга бўлинади.

**Селфи-дронлар.** Маълумки, ҳозирги кунда селфи-таёқчали тасвирга олиш аппаратлари, хусусан, коптерлар оммалашган. Қоидага кўра, селфи олишга мўлжалланган қурилманинг учуш баландлиги 100 метр, тезлиги

фон учун тутқич қиритилган.

### DJI Phantom 3

**Standard (4-ўрин).** Дроннинг максимал учуш баландлиги 6 км, тезлиги сониясига 16 метр. Ички қисмига «GPS» датчиги ўрнатилган бўлиб, радио-канал орқали бошқарилади ва оператор буйруқларига бўйсунди. Унда автопилот функцияси ҳам мавжуд. 4480 мА сифимга эга аккумулятори қурилмани 25 дақиқа «учира олади». 1216 грамм вазндаги ихчам дрон комплекти смартфон ёки планшет учун тутқич, паррақлар (4 жуфт), «Li-Po» аккумулятори, зарядлаш мосламасидан иборат.

# Дрон — учар «нигоҳ»



эса соатига 40 километрдан ошмайди.

**Мини дронлар.** Сифатли гажет ва ўйинчоқнинг уйғунлашуви. Қурилма уни бошқаришни ўрнаётганлар ёки шунчаки хаваскор тасвирчилар учун жуда қулай. Мини дроннинг учуш баландлиги 100–150 метр, вақти эса 10 дақиқадан ошмаслиги боис ундан бино ичида ҳам фойдаланса бўлади.

**Пойгабон дронлар.** Жуда энгил, манёвр қилиш механизмларига бой, яхши камера ва барқарорликка эга мустаҳкам дронлар пойга ишқибозларини бефарқ қолдирмайди. Қурилманинг бу тури кўшимча қувват олмай туриб ҳам 10–30 дақиқача учуш хусусиятига эга.

**Сувошти дронлар.** Қизғи, ушбу аппарат сув остида ҳам «учади». Ундан турли мақсадлар, масалан, балик овлаш, зарурат туғилганда ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Қурилма 15 метр чуқурликкача тушиб, юқори сифатли тасвирлар олиш имконига эга.

**Ҳарбий дронлар.** Уларни учувчисиз парвоз қиладиган аппаратларнинг алоҳида тури дейиш мумкин. Уларга ҳам учувчи, ҳам сувости дронлари қиради. Кучли бошқарув тизимига эга бундай дронлар ҳавода 20 соатгача учуши мумкин.

**Юк ташувчи дронлар.** Уларга кўпинча йирик корхоналарда юкларни ташиш ёки курьерлик вазифаси юклатилади.

**Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган дронлар.** Замонавий технология аграр соҳа ишини осонлаштириш ва самарадорликни оширишга шароит яратди. Бундай дронлар ёрдамида майдонлар ёки ҳайвонлар ҳолатини кузатиш, исталган ҳудуд ҳақида маълумот тўплаш мумкин. Бу, ўз навбатида, вақт ва кучни тежайди.

### 2017 йилнинг энг яхши дронлари

Замонавий дронларнинг аксарияти 4 парракли квадрокоптерлардир. Камдан-кам ҳоллардагина бошқа турлар — учкоптер (3 парракли), гексакоптер (6 парракли), октокоптер (8 парракли)ларни учратиш мумкин.

Бугун дронлар кўпроқ баландликдан туриб фото ва видеотасвирларни суратга олувчи қурилма сифатида оммалашмоқда. Бу борада 2017 йилнинг энг яхши квадрокоптерлари номига сазовор бўлган дронларнинг олдига тушадигани топилмайди.

**Сума X5SW (5-ўрин).** Радиоканал орқали бошқариладиган қурилманинг 500 мА сифимга эга аккумулятори 1 соатда қувватга тўлади ва осмонда 5,5 дақиқа парвоз қилади. Замонавий дроннинг оғирлиги 1216 грамм бўлиб, аппарат комплектига USB зарядлаш қурилмаси, захира паррақлар жамланмаси, отвёртка ҳамда смарт-

мулятори, зарядлаш мосламасидан иборат. Қурилма 4000x3000 ҳажмдаги фото ҳамда 1080p видеотасвирни олиш имконига эга.

**DJI Phantom 3 Professional (3-ўрин).** Максимал учуш баландлиги 6 км, тезлиги сониясига 16 метрга тенг қурилманинг ички қисми «GPS» датчиги ҳамда «ГЛОНАСС» билан бойитилган. Бу турдаги дронни 2 км.гача узоқликдан туриб бошқариш мумкин.

«DJI Phantom 3 Professional» ўхшаш аппаратлар сингари радиоканал орқали бошқарилади, оператор буйруқларига бўйсунди, ва албатта, автопилот функциясига эга. Унинг 4480 мА сифимга эга аккумулятори қурилманинг 23 дақиқалик парвозини таъминлайди. Оғирлиги 1280 граммдан ошмайдиган қурилма смартфон ёки планшет учун тутқич, паррақлар (4 жуфт), «Li-Po» аккумулятори ҳамда зарядлаш қурилмаси билан таъминланган. Ихчам ва кўркам дизайндаги ушбу дрон видеотасвири юқори сифатга эга.

**DJI Phantom 4 (2-ўрин).** Максимал учуш баландлиги 6 км, тезлиги сониясига 20 метрга тенг. Қурилма ичига «GPS» датчиги ҳамда «ГЛОНАСС» ўрнатилган. Радиоканал орқали бошқарилади, автопилот функцияси мавжуд, оператор буйруқларига бўйсунди. 5350 мА сифимга эга аккумулятор ҳисобига қурилма баландликда 28 дақиқача учуши мумкин. 1380 грамм оғирликдаги дрон комплектига смартфон ёки планшет учун тутқич, паррақлар (4 жуфт), «Li-Po 4S» аккумулятори, зарядлаш қурилмаси, USB кабель, Micro USB кабель жойлаштирилган. Қурилмадан фойдаланувчилар 4000x3000 ҳажмдаги фотосуратлар ва 4K (2160p) видеотасвирлар олиши мумкин.

**DJI Phantom 4 PRO (1-ўрин).** Максимал учуш баландлиги 6 км, тезлиги сониясига 20 метрлик қурилманинг ички қисмига «GPS» датчиги ҳамда «ГЛОНАСС» ўрнатилган. Радиобошқарув ва автопилот функциясига эга. Аккумулятор сифими 5870 мА. Баландликда 30 дақиқа уча олади. Аппарат комплекти мобил қурилма учун жой, паррақлар (4 жуфт), «Intelligent Flight Li-Po4» аккумулятори, зарядлаш қурилмасидан иборат. Парвоз қилувчи аппарат 5472x3648 ҳажмдаги фотосуратлар ҳамда 4K (2160p) сифатли видеотасвирларни олади. Шунингдек, серияли тасвирга олиш режимида сонияга 14 та фотосуратни «муҳрайди».

Қурилма ичига ўрнатилган 5,5 дюймли дисплей ва «Full HD» функцияси ёрдамида тасвирларни планшетларга нисбатан икки қарра тинчроқ суратга олиш мумкин. Бундан ташқари, дроннинг «Lightbridge» сигнал ўтказиш технологияси 7 км масофадан туриб юқори сифатли видеони трансляция қилади.

Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.

2017-yil 8-dekabr, № 98 (9059)

# Конституция — бахтимиз пойдевори

«...Мен Ўзбекистонда туғилганимдан, унинг фуқароси эканимдан фахрланаман. Давлатимиз ўз фарзандлари — биз ёшларга эътибор ва ғамхўрлик қиладиган, барча орзу-истакларимиз амалга ошиши учун шароит яратиб берадиган ягона мамлакатдир...».

«...Конституциямиз энг инсонпарвар ва жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган бебаҳо ҳужжатдир. Юртимизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган. Бош қомусимизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар...», дея белгилаб қўйилган».

Ушбу фикрлар «Конституция — бахтимиз пойдевори» Республика



кўрик-танловининг якуний босқичи иштирокчиларининг ижодий ишларидан олинган. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичида ўз йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритган 28 та ижодий иш ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилди. Ижодий ишларни баҳолашда Конституциянинг



мазмун-моҳиятини кенг очиб беришга ҳаракат қилинган, ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишига алоҳида эътибор қаратилди.

— Иншомда ҳуқуқ ва эркинликларимиз асоси Бош қомусимиз эканини ифодалашга ҳаракат қилдим. Ижодий ишимни ёзиб тугатар эканман, юрагимдаги чексиз фахр, ифтихор ва муҳаббатнинг бир қисминигина баён этолганимни ҳис қил-

дим. Фақат мен эмас, балки шу юртда туғилиб, вояга етган ҳар бир ёшнинг қалбида бу Ватанга муҳаббати ана шундай чексиздир, — дейди иншо йўналишида 1-ўринга муносиб деб топилган Марҳамат туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Мухлиса Қурбонова.

Ушбу йўналишда 2-ўринга Яққасарой туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Ирода Хусниддинова, 3-ўринга Нукус туманидаги 21-мактаб ўқувчиси Нилуфар Мирзабекова лойиқ кўрилди.

Тасвирий санъат йўналишида 1-ўрин Бахмал туманидаги 30-мактаб ўқувчиси Дилдора Саидқабарова, 2-ўрин Шеробод туманидаги 66-мактаб ўқувчиси Гулҳаё Шокирова, 3-ўрин Бухоро шаҳридаги 34-мактаб ўқувчиси Гули Раҳимовага насиб этди.

Кўрик-танлов ғолиблари вазирликнинг 1-, 2-, 3-даражали дипломи, фахрий ёрлиқ ва эсдалик соғвалари билан тақдирланди.

**Асолат АХМАДҚУЛОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири  
В.Гранкин олган сурат.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

**Жўраева Мунис Юнусовнанинг 10.00.08 — Фольклоршунослик ихтисослиги бўйича «Ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси (филология фанлари бўйича) ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 20 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй.  
Тел/факс: (0-371) 233-36-50, 233-71-44; e-mail: uztafi@akademy.uz

**Тураева Дилором Джуракуловнанинг 10.00.02 — Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича «Қудрат Ҳикматнинг бадий маҳорати» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси (филология фанлари бўйича) ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 20 декабрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй.  
Тел/факс: (0-371) 233-36-50, 233-71-44; e-mail: uztafi@akademy.uz

**Маматова Нодира Мухтаровнанинг 14.00.33 — Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент ихтисослиги бўйича «Тамани ва нос истеъмоқ қилишнинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари» мавзусидаги (тиббий-ёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 26 декабрь куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.  
Тел/факс: (0-371) 268-17-44; e-mail: info@iprme.uz

**Нурмуҳаммадов Жалолиддин Шермуҳаммад ўғлининг 02.00.03 — Органик кимё ихтисослиги бўйича «Мета-, пара- алмашиланган фенолар ва β-нафтол ҳосилаларини реиоселектив нитрозолаш» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 18 декабрь куни соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети, Физика факультети йиғилишлар хонаси.  
Тел/факс: (0-371) 227-17-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@nuu.uz

**Ибрагимов Азиз Бахтияровичнинг 02.00.01 — Ноорганик кимё ихтисослиги бўйича «n-Нитробензой кислотаси ва этаноламинлар асосида олинган металл ва супрамолекуляр комплексларнинг синтези, тузилиши ва биологик фаоллиги» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 18 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети, Физика факультети йиғилишлар хонаси.  
Тел/факс: (0-371) 227-17-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@nuu.uz

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети педагог-ҳодимлар, доцент, ўқитувчи лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- Ўзбек тилшунослиги;
- Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедралари доцентлигига.
- Инглиз филологияси кафедраси ўқитувчилигига.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
  2. Ишловчининг шахсий варақаси.
  3. Маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
  4. Паспорт нусхаси.
  5. Илмий ишлар рўйхати(факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда).
  6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
- Ҳужжатлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 20 кун муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. ТошДўТАУ, ходимлар бўлими. Тел.: (+998 98) 127-50-82.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли Қарорига асосан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти давлат унитар корхонаси 2017 йил 7 декабрь кунидан бошлаб «ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМий ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИга айлантирилганлигини маълум қиламиз.

Эътирозлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 20 кун ичида куйидаги манзилда қабул қилинади: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Шўро-бозор маҳалласи.

Тел.: (0-370) 965-77-16; e-mail: gup\_tniixt@mail.ru

**Ўзбекистон, Япония ва Бразилия «Jiu-Jitsu» федерациясига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 21 декабрь куни берилган 727-сонли гувоҳнома йўқолганлиги боис БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**




**«ELXOLDING»**  
 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

**Муҳтарам юртдошлар!  
 «Элхолдинг» илмий  
 ишлаб чиқариш  
 бирлашмаси жамоаси  
 барчангизни Ўзбекистон  
 Республикаси  
 Конституциясининг  
 25 йиллик байрами  
 билан самимий  
 қутлаймиз!**



**Сизларга  
 оилавий бахт,  
 мустаҳкам  
 соғлиқ, омад ва  
 зафарлар  
 тилаймиз!**



Маҳсулот сертификатланган.  
 Хизматлар лицензияланган.

2017-yil 8-dekabr, № 98 (9059)

Иқтидорли спортчи Шохсанам Аъзамова 18 ёшда. У Фаргона вилояти Бувайда туманидаги Алқор қишлоғида туғилган. Тумандаги 36-мактабда ўқиган. Машхур спортчи бўлиш орзуси билан юксак марралар сари интилган Шохсанам 13 ёшидан буён енгил атлетика сирларини ўрганмоқда.

## Орзулари олам Шохсанам

У илк сабоқни тажрибали устозлари Иноятхон Аҳмедова ва Сунбула Холматовадан олди. Моҳир педагоглар уни спортнинг сирли оламига олиб кирди, тўғри йўл кўрсатди, ўзига бўлган ишончини оширди. Иштиёқи, талабчанлиги боис тез фурсатда амалий машқларни пухта эгаллаб, дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Ш.Аъзамова туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ғалаба қозона бошлади. Мана шу қувонч уни янада олға интилишга, янги чўққилар сари дадил боришга илҳомлантирди.

Кейинчалик, 15 ёшидан бошлаб Кўрқон «Еш қуч» спорт мактабда таэквондо билан шуғуллана

бошлади. Ундаги спортчиларга хос эпиллик, тиришқоқлик, ирода каби сифатлар спортнинг сирасорини ортқича қийинчиликсиз ўзлаштиришига омил бўлди. Туман биринчилигида 27 марта ва вилоят биринчилигида 21 марта голиб бўлиб, республика биринчиликларининг доимий иштирокчисига айланди.

Катта мусобақалар улкан тажриба ва зафар манбаи эканини Шохсанам жуда яхши билади. Бу унинг таэквондо бўйича икки бора Ўзбекистон чемпиони деган шарафга сазовор бўлганидан ҳам маълум.

Бағдоод педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси Шохсанам Аъзамова ўзбек жанг санъати билан ҳам шуғуллани-

ти. Мазкур спорт тури бўйича вилоят биринчиликларида 8 карра, республика чемпионатида эса 7 карра зафар қучди.

— Ҳаётимни спортсиз тасаввур қилолмайман, — дейди Ш.Аъзамова. — Ютуқларимда

барча устозларим, қолаверса, Марғубахон Орипова ва Анвархон Раҳматуллаевнинг ҳиссаси катта. Улардан ҳамиша миннатдорман. Мураббийларим юзини ёруғ қилиш мен учун ғалаба қозонишдек муҳим.

Ўз фикри, мақсади бор Шохсанам Аъзамованинг орзулари бир олам. Ана шу истаклар марказида юртимиз байроғини дунё спорт ареналарида юқори кўтаришдек мақсад машъалдек ўзига чорлайверади. Айни кез у Ўзбекистон чемпионатида туйёбарлик кўрмоқда. Мазкур мусобақа ортидан китъа ва жаҳон чемпионатлари эшиклари ҳам очилса, ажаб эмас.

Шарифа МАДРАҲИМОВА



### ЭНГ КУЧЛИ 16 ЖАМОА

Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи ўйинлари якунланиб, плей-офф босқичида бахсларни давом эттирадиган жамоалар номи маълум бўлди, дея хабар берди «Eurosport» нашри.



11 декабрь куни Швейцариянинг Ньон шаҳрида плей-оффга қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади. Унда «Манчестер Юнайтед», «ПСЖ», «Рома», «Барселона», «Ливерпуль», «Манчестер Сити», «Бешикташ» ва «Тоттенхэм» клублари биринчи саватдан, «Базель», «Бавария», «Челси», «Ювентус», «Севилья», «Шахтёр», «Порту», «Реал» клублари иккинчи саватдан жой олади.

Этиборлиси, мазкур босқичга Чемпионлар лигаси тарихида илк бор бир давлатдан, яъни Англия чемпионатидан 5 клуб қатнашмоқда.

### СОБИҚ РАҲБАР ҒОЯСИ

Автопойга бўйича хотин-қизлар иштирокидаги илк мусобақалар серияси 2019 йилдан бошлаб ўтказилиши мумкинлиги ҳақида «Sky Sports» манбаси хабар берди.

Лондонда фаолият юритаётган, номи сир тutilган йирик компания ҳомийлигида ташкил этиладиган мазкур жаҳон чемпионати дастлаб 6 босқичда ўтказилади.

«Бир неча ойдан кейин барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, яқиний хулосага келинган, расмий баёнот берилади. Ахир йирик мусобақани бошлаш учун маълум вақт талаб этилади», дея ўз фикрини изоҳлаган компания раҳбари.

«Формула-1»нинг собиқ раҳбари Берни Экклстон мазкур ғояни 2015 йилдаёқ илгари сурган, бироқ уни ҳеч қим қўлаб-қувватламаганди.

### СЎНГИ ЖАНГДА ЕНГИЛДИ

69,9 кг вазн тоифасидаги пүэртториклик боксчи Мигель Котто ўзи эгалик қўлаётган Жаҳон бокс ташкилоти(WBO) чемпионлик камарини бой бергани ҳақида «Спорт» нашри маълум қилди.

У фаолиятидаги энг сўнги муштлашувда америкалик Садам Алига енгилди. Нью-Йоркда кечган учрашувда ҳар учала ҳакам ҳам бир овоздан Садамнинг ғалабасини тасдиқлади — 115:113, 116:112, 115:113.

37 ёшли Мигель 17 йиллик профессионал фаолияти давомида 6 бор чемпион бўлган. Тўрт вазн тоифасида чемпион бўлган пүэртториклик ягона боксчи ҳисобланади. У илк камарни 2004 йили, охиригисини 2017 йили қўлга киритди. Мигель ўз пайтида Карлос Кинтана, Антонио Маргарито, Заб Жуда, Шейн Мосли, Рикардо Майорга, Серхио Мартинесни мағлуб этган, Флойд Мэйвзезер, Саул Альварес, Мэнни Пакьяога қарши муносиб жанг ўтказган.

### ЧЕМПИОН ЛОНДОНДА АНИКЛАНАДИ

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) 2018 йили жаҳон шахмат тожи учун ўтказиладиган матчга Лондон шаҳри мезбонлик қилишини маълум қилди, дейилади ташкилот расмий сайтида.

Бу ҳақида FIDE биринчи вице-президенти Георгиос Макропулос айтиб ўтган. Мусобақа 9–28 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Айни пайтда 26 ёшли норвегиялик гроссмейстер Магнус Карлсен жаҳон чемпиони ҳисобланади. У шахмат «тожи»ни 2013 йилдан буён ўзида сақлаб турибди. Ушанда у Хиндистоннинг Ченнаи шаҳрида Вишванатан Анандга қарши дونا суриб, якунда ғалаба қозонганди.

Карлсеннинг рақибини аниқлаб берадиган даввогарлар турнири эса 10–28 март кунлари Берлинда бўлиб ўтади. Унда 8 гроссмейстер голиблик учун бахслашади — В.Крамник, С.Карякин, А.Гришук (Россия), Л.Аронян (Арманистон), Ф.Каруана, У.Со (АҚШ), Ш.Мамадиёров (Озарбойжон), Д.Лижнь (Хитой).

З.ХОЛОВ тайёрлади.

## Байрам арафасида очик турнир

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, «Ешлик» жисмоний тарбия ва спорт хамияти Юнусобод туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 260-мактабда Конституциями қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати билан бадий гимнастика бўйича очик турнир ўтказилди.

Беллашувда Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларидан иборат 8 жамоа иштирок этди.

— Йилдан-йилга қизларнинг бадий гимнас-

тикага қизиқиши ортиб бормоқда. Буни бугунги мусобақа мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Айниқса, қибрайлик ва сирдарёлик спортчи қизларнинг шижоат ва интилишлари таҳсинга лойиқ, — дейди бадий гимнастика бўйича мураббий, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Нозима Жўраева.

Хам спорт, хам санъатни уйғунлаштирувчи нафис спорт тури бўйича ўтказилган мусобақа якунида 1-ўринни пойтахтимиздаги 260-мактаб жамоаси қўлга киритди.

Голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

## Бахшили эл — бахтли эл

Деҳқонobod туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабда Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Тадбирга фольклоршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, бахши-оқинлар, меҳнат фахрийлари, бахшининг шоғирлари таклиф этилди.

Фольклоршунос олим, филология фанлари номзоди Абдулолия Эргашев Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг ижод йўли ҳақида сўзлар экан, шундай деди:

— Қаҳҳор бахши 66 достон, 200 дан ортққ ўзбек халқ эртаги, салкам 300 та аънавий ва замонавий термаларни, 500 дан кўпроқ халқ мақол ва топишмоқларини ёддан билиши, унинг

ўзи хам 10 та замонавий достон яратиб, дўмбирада куйлаши, 50 дан зиёд куй ва нағмаларни маҳорат билан ижро этиши, ҳатто бадиха йўлида соатлаб куйлай олиши — бахшичилик чинакам матонат эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг бугунги кунда юзлаб шоғирлари бор, улар хам устози каби баланд

пардаларда куйлашмоқда.

Тадбирга йиғилганлар Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг отаси ва устози Қодир бахши Раҳимовнинг Қашқадар ва Сурхондарё бахшичилик мактаби ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлашди.

Кечада Қаҳҳор бахши Раҳимов фаолият олиб бораётган 30-умумтаълим мактаби ўқувчилари унинг «Ёдгор», «Кўнғирот», «Аҳмад Яссавий» номли достонларидан ҳамда «Мангулик жаҳоирлари» термалар, «Самодан томган томчилар» шеърый тўпламларидан намуналар ўқишди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ, «Ma'rifat» мухбири

профилактика инспекторлари ўт ўчирувчиларга хонадонларда содир этилиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Ўз хизмат вазифалари юзасидан хонадонларга борганда ёнғин хавфсизлиги бўйича мавжуд ҳолатларни хам назорат қилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан ўт ўчирувчиларга маълумотлар бериб турибди. Камчиликларнинг бартараф этилишида ўзаро ҳамкорлик самара бермоқда.

Азиз юртдошлар, ёнғин хавфсизлиги қондаларига катъий риоя қилсангиз, давлат ва шахсий мулкнигизни, уй-жойингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Бахтиёр АБДУЮСУПОВ, Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ 23-ҲҲХК смена бошлиғи, капитан

## Камчиликлар ҳамкорликда бартараф этилмоқда

Инсон орзу билан яшайди, меҳнат қилади, мол-мулк орттиради. Аммо мисқоллаб тўплаган бор-бисотини баъзан ёнғин фалокатидан асрашини билмайди. Агар билса ва унга амал қилса, бошига аччиқ кўргиликлар тушмайди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг огоҳлантиришларига қарамай, уйларида носоз электр жиҳозлари, газ плиталаридан фойдаланиб келаётганлар кези келиб, хонадонда фалокат содир бўлганда эса, ёрдам сўраб югургилаб қолаётгани ачнарли. Ахир кечагина тинч ва осуда ҳаёт кечириб, ўз меҳнати маҳсулидан баҳра олиб юрган оиланинги уйи бир онда қулга айланиши кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз.

Асосий вазифаси хавфсиз-

лиқни таъминлаш, аҳоли осойишталигини сақлашга қаратилган инспекторларга қулоқ тутиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилинса, бундай ҳол юз бермайди.

Маълумки, кейинги пайтда ёнғин профилактикасига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир маҳаллада ташкил этилган милиция таянч пунктларида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари учун алоҳида хоналар ажратилиб, ёнғин хавфсизлиги бурчақлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари,



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

## ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

**Мухтарам юртдошлар!**

Сизларни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 25 йиллик байрами билан самимий кутлаймиз! Барчангизга энг эзгу тилаklarимизни йўлаймиз!

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини Сизга тақдим этади! Ушбу нодир асарлар қалбингизга нур ва оилангизга маърифат олиб киради, деб ишонамиз.



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри,  
Лабзак кўчаси, 86-уй. Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82,  
(+99893) 791-00-70, (+99890) 331-32-00. www.gglit.uz, e-mail: info@gglit.uz.

Махсулотлар сертификатланган.  
Хизматлар лицензияланган.

### Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус  
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, сан ва маданият  
ходимлари kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Indeks: 149, 150. Г-1215. Tirajli 33732.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:  
qabulxona — 233-50-55;  
kotibiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»-dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat ruxsati  
bilan amalga oshirilishi  
shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Nabatchi muharrir:  
Rayhona XO'JAYEVA.  
Nabatchi:  
Dilmurod DO'STBEKOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
O'zA yakuni — 04.00 Topshirildi — 05.30

1 3 4 5 6